

Қуръони Каримнинг маънавий ва моддий фойдалари



10:00 / 01.06.2020 4114

Қуръони Карим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламга Аллоҳ таоло томонидан ато этилган мўъжизаларнинг энг буюги бўлиши билан бирга, уни ўқиб, сўнгра уқиб, унга амал қилганларни икки дунё саодатига етакловчи манбадир. Унда ҳалол билан ҳаром, ҳақ билан ноҳақ очиқ-равшан баён этилиб, Аллоҳ таоло марҳамат қилганидек: **“Бу китобда шак-шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир ”** (Бақара сураси, 2-оят).

Қуръони Карим ҳидоят раҳбаридир. Ҳар бир инсон унга амал қилса, маънан ва моддий жиҳатдан юксакликка эришади. Ундан беҳабар қолиш эса қоронғу зулматда йўлидан адашиб қолиш демакдир.

Яхшиликларнинг энг аълосини Қуръони Карим амр этади, ёмонликдан қайтаради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам «Хайрлиларингиз Қуръонни ўрганувчи ва ўргатувчиларингиздир», деб марҳамат қилганлар. Хуллас, дарахтни ўстирувчи ва уни озиқлантирувчи тупроқ бўлганидек, инсонни улғайтирувчи ҳамда озиқлантирувчи Қуръони Каримдир. Унга эътиқод ва амал қилганлар икки дунё саодати ва бахтга эришади.

Қуръон қалблар шифосидир. Қуръон ўқиган, Каломуллоҳни имон, ихлос билан эшитган одамнинг қалби иллатлардан покланади. Инсоннинг гавҳари бўлмиш қалб тuzалдими, бошқа ҳамма аъзолар фаолияти жойида бўлади. Қалби пок инсон ҳаромдан ҳазар қилади, эзгу амалларга мойил бўлади.

Қалбни поклашда биз учун асосий манба Қуръони Каримдир. Қуръон қалбимизга аниқ ташхис қўяди, қалбни иллатлардан халос этиш йўлларини кўрсатади, инсонни асл фитратига мос ҳолда яшашга ундайди.

Қуръон шифо манбаидир. Бу мўъжизавий Калом эътиқодимизни тўғрилайди, қалбимизни нурга тўлдиради, дилимизни равшан қилади, тасаввуримизни бойитади, дунёқарашимизни кенгайтиради. Қуръон тиловати билан хонадонимизга файз киради, умримиз баракали бўлади. Бир сўз билан айтганда, Аллоҳнинг мўъжизавий Каломи бизни икки дунё саодатига бошлайди.

Қуръони Карим тиловати деганда уни ҳарфларини жойига қўйиб аниқ ва тажвид қоидаларига мувофиқ қилиб шошилмасдан ўқиш тушунилади.

Қуръони Каримда унинг тиловати ҳақида олтмиш еттита оят келган. Қуръони Карим тиловати жуда ҳам фазилатли амал ҳисобланади.

Аллоҳнинг Китобини тиловат қилиш унга кўз югуртириб чиқиш ёки ёдлаб олган жойини шуурсиз такрорлаш эмас. Қуръон тиловати уни бутун вужуд билан ҳис этган ҳолда тадаббур ила ўқиб, унга амал қилишдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: “Қуръон бойликдир. Ундан кейин фақирлик йўқ, Ундан ўзга бойлик йўқ”.

Қуръон ўқиган мўминнинг қалби бойийди, илми зиёда бўлади, маънавияти юксалади, фикр доираси кенгайди.

Бойлик деганда, мусулмон одам фақат дабдабали ҳаётни, ҳисобсиз мол-дунёни кўз олдига келтирмайди. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

“Ҳақиқий бойлик нафс тўқлигидир”, деганлар. Мана шу ҳадисдан келиб чиқиб айтиш мумкин, Қуръон ўқиган одамнинг кўзи тўқ бўлади. Қуръон ўқиган инсон дунёнинг ўткинчи матоҳлари ортидан ҳаллослаб югурмайди, турмуш ташвишлари деб ўзини ўтга-чўққа урмайди, хотиржам яшайди, қаноатли бўлади, бориға шукр, йўғига сабр қилади. Ана ҳақиқий бойлик, ҳузур-ҳаловат қаерда!

Қуръон муфассири Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтади: “Ким Қуръон ўқиса, (кўп нарсани) билганидан кейин ҳеч нарсани билмай қолиши учун энг тубан умрга қайтарилмайди. Бу Аллоҳ азза ва жалланинг қуйидаги оятида айтилган: **“Сўнг уни асфаласофилинга қайтардик. Фақат имон келтирган...”** яъни, **Қуръон ўқиганларгина** (бундан саломат бўладилар)”.

Маълумки, ёш ўтганидан кейин одамнинг кўзи хиралашади, қулоғи яхши эшитмайди, бўғимлари заифлашади, белидан қувват кетади, хотираси сусаяди. Бироқ Қуръон ўқиганлар кексайган чоғларида ҳам эс-ҳушларини, куч-қувватларини йўқотишмас экан. Қизиқ, бунинг сабаби нимада?

Илмий тажрибаларда аниқланишича, Қуръон ўқиш, эшитиш мия фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, кексаликда юз берадиган паришонхотирлик, хотира сусайиши каби нохуш ҳолатлардан сақлайди.

Умр бўйи Қуръонга ошно бўлган қори боболар ҳаётига ибрат назари билан қарасак, бу гап қанчалик тўғрилигига амин бўламиз. Юз ёшни қоралай деб қолганларига қарамай, таналари бақувват, хотиралари яхши, кўзлари равшанлигини кўрамиз. Зеро Аллоҳ Қуръон ҳақларини адо этган бандасини соғлом тана, кучли хотира неъматини билан сийлайди. Қуръон ўқийдиган инсон икки дунёда ҳурмат эҳтиромга сазовор бўлади.

Олимларнинг аниқлашича, доим Қуръон ўқийдиган одам руҳий безовталиқдан юқори даражада ҳимояланади. Бундан ташқари:

- Қуръон ўқийдиган одам ҳузур-ҳаловат топади, хотиржамликка эришади;
- Қуръон ўқиш иммунитетни кучайтиради;
- Қуръон ўқийдиган одам руҳан, жисмонан соғлом бўлади;
- Қуръон ўқийдиган инсон учун юрак хасталиги бегонадир;
- Мусҳафга қараб Қуръон ўқиш кўзни равшан қилади;

- Хотирани мустаҳкамлайди, мия фаолиятини ривожлантиради;
- Кишининг фикрлаш қобилиятини ўстиради, дунёқарашини кенгайтиради;
- Инсоннинг ўзига ишончини орттиради;
- Тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради;
- Дунёга ҳирс қўйиш, тама, ҳасад, ғийбат каби иллатлар оқибатида келиб чиқадиган моддий касалликлардан асрайди;
- Қуръонни тажвид қоидаларига мувофиқ ўқиш нутқни ривожлантиради, кишини сўзга чечан қилади;
- Қуръон ўқиш томоқ оғриғига даво бўлади;
- Қуръон ўқиган киши васваса, ҳадиксираш, беҳуда хавотирланишдан йироқ бўлади;
- Қироат бош оғриғини самарали даволайди...

Муфассирлар Аллоҳ таолонинг “Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қиламиз” ояти тафсирида: “Қуръонда айтилган шифо умумийдир: ҳам қалбдаги иллатларга, ҳам танадаги касалликларга даво бўлади”, дейишган.

Қуръон моддий касалликларни бартараф этишига етарли ҳужжатдир. Буни исботи ўлароқ, Фотиҳа сураси жуда кўп касалликларга шифо бўлади. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Фотиҳа сураси ҳар қандай дардга шифодир”, деганлар .

Фотиҳа сураси қалбдаги иллатларни даволайди. Қолаверса, танадаги касалликларга ҳам малҳам бўлади.

Хуллас, Қуръони Карим маънавий-руҳий, моддий иллатларнинг барчасига даво бўлади. Лекин бу улуғ Каломни фақат танадаги дардларни даволаш воситаси қилиб олинмайди. Қуръон биринчи галда қалбимизга шифо. Аллоҳнинг Каломини ўқисак, қалбимиз покланади. Дили пок инсоннинг танасига гард юқмайди. Агар биз қалбимизни даволасак, танамиз ҳам соғлом бўлади.

Тошкент ислом институти талабаси Толибжон Хурсанмуродов